



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 22 ноябрь, № 241 (7199)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шахридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллерни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Самарқандда ўтказиладиган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми тadbирларида иштирок этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли делегацияси ташрифи Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил мустақамлашиб бораётганининг яна бир тасдиғи эканини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзаро алоқа ва ташрифлар сезиларли фаоллашгани мамлакатимизнинг Ташкилот тузилма ва институтлари билан конструктив мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган самарали ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилгани қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон

сайёҳлик ташкилоти ва БМТнинг бошқа муассасалари билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор дастурий ҳужжатлар ва “йўл харита”лари қабул қилинган ва биргаликда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан жорий йил июнь ойида биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича махсус резолюцияси қабул қилингани ҳамда унинг халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлангани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусларини илгари суриш йўлида биргаликдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш истикболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Орол экологик фожиаси оқибатларини, жумладан, Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий, гуманитар дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали юмшатишда жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг БМТ шафелигида махсус Траст жамғармасини ташкил этиш бўйича ташаббусини рўёбга чиқариш бу борада катта амалий қадам бўлади. Жорий йил 27 ноябрь куни Ташкилотнинг Нью-Йорк шайхонида бош қароргоҳида ушбу тузилманинг юқори даражадаги биринчи тadbiri бўлиб ўтди. Томонлар, шунингдек, минтақа-

миз ва унинг ташқарисида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этишга ҳар томонлама қўмаклашиш масалаларини қўриб чиқдилар.

БМТ Бош котиби ўринбосари Майкл Мёллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ташкилот Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган, аввало, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳот ва янгиланишларга юксак баҳо берди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз мазмун-моҳиятига кўра, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга муъалланган Барқарор тараққиёт соҳаси-

даги мақсад ва вазифаларига ҳам-оҳанг экани алоҳида таъкидланди.

Майкл Мёллер Ташкилот Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшничилик ва конструктив шериклик муносабатларини мустақамлаш, шунингдек, минтақада барқарор тараққиётга қўмаклашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

БМТ Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ўтказиладиган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми натижалари доирасида янада мустақамлашга тайёр экани қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
суратлари.

Хамкорлик

ЕХХТ Парламент Ассамблеяси делегацияси билан учрашув

Олий Мажлис палаталари, Ташқи ишлар вазирлигида ЕХХТ Парламент Ассамблеяси раиси Георгий Церетели бошчилигидаги делегация билан учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистоннинг ЕХХТ Парламент Ассамблеяси билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда парламент дипломатияси ўзаро ишонччи мустақамлаш, “халқ дипломатияси”ни ривожлантиришнинг энг муҳим ресурси сифатида эътироф этилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ЕХХТ институтлари, шу жумладан, Парламент Ассамблеяси билан амалий муносабатлари йўлга қўйган.

Хусусан, Сенатда бўлиб ўтган учрашувда томонлар Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ҳамкорлигини кучайтириш жараёни ЕХХТга аъзо бошқа мамлакатлар парламентла-

ри билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга туртки беришини таъкидлади. Ўртимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ҳамда янгиланишларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш учун Парламент Ассамблеяси майдончасидан самарали фойдаланиш янги имкониятлар эшигини очиб беради.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Фракция кўплаб иш ўринлари яратиш тарафдори

Бугун нотурар объектлар қуриш учун ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, тadbиркорлик субъектларининг масъулиятини кучайтириш, шунингдек, корхоналарни фаол ҳўжалик фаолиятига жалб этиш ҳамда шу асосда янги иш ўринларини яратиш долзарб саналади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида қизгин муҳокамага сабаб бўлган “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мазкур масалалар ечимига қаратилган.



Майкл МЁЛЛЕР,
БМТ Бош котибининг ўринбосари,
БМТнинг Женева шахридаги
бўлинмаси бош директори:

Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда

— Самарқандда ташкил этилаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини қўллаб-қувватлаймиз. Бу, албатта, ажойиб ташаббусдир. Минтақавий ҳамкорликни амалий жиҳатдан кенгайтириш нуктаи назаридан инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳам қўриб чиқишиш гоят муҳим. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — барча саъй-ҳаракатларимизнинг асоси. У билан фарзандларимизга янада яхшироқ дунёни таъминлашимиз мумкин.

Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан хурсандман. Ўртингизга илк бор келишим. Бу ерда қисқа вақт ичида амалга оширилган жуда кўп ўзгаришлар ҳақида маълум қилишди. Мазкур янгиланишлар фақат бошланиш, у изчил давом этади, деган умиддамман. Фикримча, Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда.

«Халқ сўзи» мухбири
О. ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

Долзарб мавзу

Нархларнинг ошиши асослими?

Яқинда халқимиз тили билан айтганда, “газ-заправка”ларда метангаз баҳоси ошди. Ушбу ҳолатта Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги муносабат билдирди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари орқали қўйилаётган газ нархлари таҳлили шуни кўрсатдики, жорий йилнинг 16 ноябидан улар томонидан реализация қилинаётган табиий газ баҳоси 300 — 400 сўмга (1700 — 1800 сўмдан 2000 — 2200 сўмгача) кўтарилди.

Молия вазирлиги такроран шуни хабар қиладики, автомобилларга газ тўлдириш

компрессор станциялари орқали реализация қилинаётган табиий газ нархини оширишга асос йўқ.

Маълумот учун: 16 ноябрга қадар АТГКСларига етказиб берилаётган 1 кубометр табиий газнинг нархи 789 сўм 74 тийин (бунинг 289,74 тийини — табиий газнинг улгуржи сотиш нархи, 500 сўми — махсус инвестиция устама ҳақи).



Инсон ҳуқуқлари бўйича ОСИЁ ФОРУМИ

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ташаббуслари қўллаб-қувватланаётганининг яна бир ифодасидир

Бугун Самарқанд шахрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бошланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган мазкур йирик халқаро анжуманга мамлакатимизда катта тайёргарлик кўрилди.

Форум олдидан пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Халқаро пресс-клуб томонидан брифинг ташкил этилди.

БМТ Бош котиби ўринбосари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашган тadbирда илк бор ўтказиладиган Осиё форумининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Айтиб ўтилганидек, анжуманда дунёдаги нуфузли халқаро ва мин-



Инновация

Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёдаги илғор кластерлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида

2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули татбиқ қилинган. АҚШда эса

мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан зиёди шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланаётган товарлар яппи ички маҳсулотнинг 60 фоизини ташкил қилади.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилиниши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, “блокчейн” технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Universal Mobile Systems” МЧЖ (кейинги ўринларда — оператор) устав капиталидаги давлат улушини 100 фоиз миқдорда Жамғармага бегараз асосда топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриладиганига қарамадан “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўққилик қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

биринчидан, ахборотлаштириш субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келмоқда;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Белгилаб қўйилсинки: Жамғарма томонидан ушбу қарорга мувофиқ олинган мол-мулк юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди; операторнинг устав капиталидаги ушбу қарорга мувофиқ топширилаётган улуш юридик шахсларнинг фойда солиғига ва қўшилган қўймат солиғига тортилмайди. 4. Агентлик ва Жамғарма юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, икки ой муддатда самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни жорий этиш учун зарур техник базани яратиш билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда “Universal Mobile Systems” МЧЖни ривожлантириш Концепциясини (кейинги ўринларда — Концепция) ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: операторнинг бошқарув тизимига, шу жумладан, мобиль хизматлар кўрсатиш соҳасида етарли тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб этиш орқали инновацион менежментни жорий этиш; ички куч ва маблағларни сафарбар этиш,

телекоммуникация ускуналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш; барча давлат хизматларининг фақатгина операторнинг маълумотларга ишлов бериш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлаш. 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: операторнинг устав капиталидаги топширилаётган давлат улушини бошқариш Жамғарма томонидан фақатгина Жамғарма Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади; операторнинг устав капиталидаги давлат улушидан олинадиган даромадлар, шунингдек, мақсадли имтиёзлар беришдан бўшайдиган молиявий маблағлар Концепцияни амалга ошириш даврида технологик ускуналарни модернизация қилиш ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида Жамғарма ҳисобига йўналтирилади; Концепцияда назарда тутиладиган тадбирлар операторнинг ўз маблағлари ва Жамғарма маблағлари, жалб

этиладиган қарз маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. 6. Оператор 2021 йил 1 декабрга қадар муддатга телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия бериш учун давлат божи, радиочастоталар спектридан фойдаланиш учун тўлов, шунингдек, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун эксплуатация йўғими тўлашдан озод этилсин. 7. Операторга: фақат ўз тижорат эҳтиёжлари учун, бошқа оператор ва провайдерларга овозли телефония ва интернет трафиғи халқаро каналларини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқисиз халқаро телекоммуникация тармоқларига (маълумотлар ва овоз узатиш тармоқларига), шу жумладан, “IP-телефония” технологиясидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри уланиш; зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида Жамғарма билан келишилган ҳолда шартнома асосида мустақил хорижий, миллий консўлтант ва аспертларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин. Белгилаб қўйилсинки, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси,

ишчилар касблари бўйича малака разрядларини белгилаш юзасидан тегишли йўналишда хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассисларга нисбатан қўлланиши, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга. 8. Вазирликнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-ўй манзилида жойлашган биноси операторни жойлаштириш учун хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида Агентлика топширилсин. 9. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. 10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиғи директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Ли зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 21 ноябрь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

иккинчидан, ахборот хавфсизлиғи соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиғи мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлиғига сабаб бўлмоқда; **учинчидан**, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган аппарат воситалари ва дастурий махсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидаги камчиликлар уларнинг “Электрон ҳукумат” тизимига жадал интеграциялашувини сусайтирмоқда; **тўртинчидан**, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукаммал эмаслиғи давлат ахборот тизимлари объектлари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувига олиб келмоқда; **бешинчидан**, бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан фаол фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онига салбий таъсир кўрсатмоқда; **олтинчидан**, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш бўйича тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиғи миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини жорий қилиш имконини бермайтти.

Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияни; Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиғи ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. 2. Қуйидагилар: умумий штат бирлиғи 198 нафар, шу жумладан, ҳудудий бўлинмаларда — 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси); давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ); Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ташкил этилсин. 3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиғи ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг бўшайтган 135 нафар штат бирлиғи Марказга ўтказилсин. 4. Белгилаб қўйилсинки: Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва

телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиғи ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари бундан мустасно.

Давлат инспекцияси Марказнинг таъсисчиси ҳисобланади. 5. Қуйидагилар: а) Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭҲМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига қўйишда) муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда “Электрон ҳукумат” тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашилишининг идораларро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиғи;

“охирги миля” тамойили бўйича интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобиль алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

б) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ахборот хавфсизлиғига хозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига қонуннинг қириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни тезкор қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш; қонун бузувчиларни, ахборотлар маконидаги руксатсиз ёҳуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда телекоммуникациялар тармоқларининг

операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий махсулотларни, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни аттестация, экспертиза ва сертификациядан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиғи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; интернетнинг миллий фойдаланувчиларини интернет тармоғи миллий сегментига ахборот хавфсизлиғига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

6. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тузилмаси 2-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 5 ва 6-бандлари талаблари Давлат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган текширишларга татбиқ этилмайди.

7. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Жорий таъминот (иш ҳақига давлат қўшимча тўловлари ва устама пуллар сақланган ҳолда), Давлат инспекцияси ва Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Марказ ҳодимларига ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги алоҳида меҳнат шaroитлари учун ходим лавозим маошининг камида 100 фоизи миқдорида ойлик устама белгиланади;

в) 2019 йил 1 январдан:

ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий махсулотлар, ҳимоя воситалари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосалар Марказ билан мажбурий тартибда келишлди; давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) жорий этиладиган ва фойдаланиладиган аппарат воситалари ва дастурий махсулотлар мажбурий равишда Марказда аттестация ва экспертизадан ўтказилиши зарур;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиғи ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий махсулотлар, ҳимоя воситалари ҳамда бошқа техник

воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосаларни Марказ билан мажбурий келишилгандан сўнг берилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияга бириктирилган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни Давлат инспекциясига;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиғи ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказига бириктирилган техник ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мол-мулкни Марказ балансига бегараз ўтказсин, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулк бундан мустасно.

12. Давлат инспекцияси ва Марказ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 31-ўй манзилидаги бинода жойлаштирилсин.

13. Қуйидагилар: “Ўзбектелеком” АКга Марказни зарур алоқа воситалари ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш; “Ўзбекэнерго” АКга Марказга ажратилган бинони мажбурий тартибда захира қилинган узлуксиз энергия таъминоти билан таъминлаш тавсия этилсин.

14. Марказ ахборот соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси, дастурий махсулотлар, аппарат-дастурий комплекслар, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва радиодеталларга божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғи ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин; қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Раиси И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 21 ноябрь	

ЕХХТ Парламент Ассамблеяси делегацияси билан учрашув



— Ўзбекистон сўнгги йилларда олиб борилаётган демократик ислохотлар туфайли бутун дунёда ҳурмат қозонди, — дейди ЕХХТ Парламент Ассамблеяси раиси Георгий Церетели. — Биз ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи мустаҳкамланаётганини, Олий Мажлис палаталари ваколатлари тобора кенгайиб бораётганини қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Бугун Ўзбекистон ЕХХТ ПА доирасида ўз фаолиятини қайтадан фаоллаштирмоқда. Бу ҳамкорлик, шубҳасиз, Ўзбекистонга фойда келтиради. ЕХХТ айнан тажриба алмашуш ва янгиликларни жорий этиш учун энг қулай майдонча ҳисоблана-

ди. Мамлакатлар ўртасида ўз муваффақиятлари билан бўлишиш ва халқаро эътироф этилган меъёрларни ўзлаштириш учун ҳам яхши имкондир. Чунки унда 57 давлат тажрибаси ўрганилади. Ўз навбатида, биз ҳам ўрта-миздаги алоқалар янада мустаҳкамланишидан манфаатдормиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларида ЕХХТнинг етакчи тажрибалари билан ўртоқлашиш, парламентаризм анъаналарини кучайтириш тарафдоримиз.

Учрашувда қайд этилганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш, трансмиллий хатарлар ҳамда хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш,

сув-энергетика муаммоларининг ечимини топиш, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш борасида ЕХХТ ПА билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга муҳим аҳамият қаратади.

Олий Мажлис ва ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ўртасида самарали ҳамкорлик қилиняпти. Охирги икки йилда мамлакатимиз парламенти аъзолари Ассамблеянинг қатор сессияларида ҳамда бошқа тадбирларида фаол иштирок этди. ЕХХТ ПА мутахассислари билан биргаликда яқиндан иш олиб бориш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон мазкур тузилма иштирокида ўндан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган. Уларнинг асосий қисми

2019 йилдан йўлга қўйилиши кутилмоқда. Лойиҳалар мундарижа-си турли-туман бўлиб, сиёсий, иқтисодий, экологик масалалар, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ҳамда жамиятни янада демократлаштириш каби соҳаларга тааллуқли.

Учрашувда халқаро ва минтақавий сиёсатнинг муҳим жиҳатлари, Ўзбекистон ҳамда ЕХХТ ўртасида, шу жумладан, Парламент Ассамблеяси билан эришилган келишувларни ижро этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди, икки томонлама ҳамкорлигининг яқин истиқболдаги асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Фракция кўплаб иш ўринлари яратиш тарафдори



Фракция аъзолари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш юзасидан қатор амалий ишлар олиб борилаётган бир пайтда айрим тадбиркорлик субъектларининг нотулар объектлар қуриш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланишда лоқайдилкка йўл қўяётганини таъкидлаб, уларга нисбатан талабнинг қучайтирилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, айнан шундай тадбиркорлик субъектларининг ҳаракатсизлиғи сабаб, кўплаб иш ўринлари яратилмасдан қолмоқда. Бу эса партия сайловолди платформасида белгиланган вазифаларга ҳам зид.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан нотулар объектлар қуриш учун ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш муддати уч йилдан икки йилгача қисқартирилади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини оширишга ҳам туртки беради.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Унда давлат ҳокими-яти ҳамда бошқаруви органлари томонидан бюджетнинг ижро этилиши билан боғлиқ маълумотлар, мазкур давлат органларининг бюджет харажатларини режалаштириш, шакллантириш

ва ижро этишга оид маълумотларни расмий веб-сайтда жойлаштириш орқали жамоатчи-лик фойдаланиши учун ҳуқуқий шaroит яратилиши белгиланмоқда. Бу нимани англатади? Бу, аввало, бюджетнинг харажатлари ҳамда даромадларидан аҳоли мунтазам хабардор бўлишини кафолатлайди, деганидир. Муҳокамаларда бюджетнинг очиклиғи тўғрисида Америка Қўшма Штатлари, Канада, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Қозоғистон мамлакатларида амалда бўлган тартиб ва қонунчилик юзасидан ахборот берилди.

Яқунда қўриб чиқилган қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ташаббуслари қўллаб-қувватланаётганининг яна бир ифодасидир



Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида қитъамизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши борасида эришилган натижалар қўриб чиқилади. Бу борадаги илгор ташаббусларга атрофлича баҳо берилади.

Асосий эътибор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Осиё қитъасидаги мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш ва янгиларини таъсис этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилади.

Анжуман якунида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилиш режалаштирилган. Ушбу ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни янада самарали бажариш истиқболларига бағишланади.

Мухбиримиз брифинг иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори:



Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида бир қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, ўшанда давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан мулоқоти чоғида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан

Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурганди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён ўтган 70 йил мобайнида инсон ҳуқуқларига бағишланган бундай нуфузга эга халқаро анжуман илк бор Осиё қитъасида — Ўзбекистонда, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ташкил этилмоқда. Энг асосийси, ушбу долзарб ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Мазкур анжуман Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига эътиборни янада оширади. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида изчил ва улкан ислохотлар амалга оширилаётганини англатади.

Осиё форумининг асосий иш фаолияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қитъамиздаги мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш ва янгиларини таъсис этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилади.

Халқаро анжуман иштирокчилари тўртта сессияда муайян мавзулар бўйича мулоқот олиб боради.



Марчин ВАЛЕЦКИ,
ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари
бюроси Демократлаштириш масалалари бўйича
департамент бўлими раҳбари:

— Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказиш ташаббусини илгари сургани билан Ўзбекистон раҳбариятини табриклайман. Бу халқаро анжуман ўз вақтида ташкил этилди. Ҳақиқатан ҳам, ЕХХТ соҳасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича қўллаб-мунозаралар мавжуд ва биз мамлакатларимиздаги, яъни ташкилотимизнинг таркибий қисми бўлган вазият ҳақида кўпроқ маълумот беришга тайёرمىз.

Форум минтақавий ташаббус сифатида

Ришард КОМЕНДА,
БМТнинг Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссарининг минтақавий вакили:

— Декабрь ойида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигини нишонлаймиз. Бу жуда муҳим воқеадир. Мазкур декларация "Гиннеснинг рекордлари китоби"га дунёнинг энг кўп тилларида таржима қилинган қўлланма сифатида киритилган. У атиги 30 моддадан иборат, аммо бутун ва келажак учун гоят долзарб ҳужжатдир.

Самарқандда бўлиб ўтадиган анжуман инсон ҳуқуқларини ривожлантиришга яна бир бор туртки беради, деб ҳисоблайман. Унда қўриб чиқилмаган масалалар нафа-

рўй бераётгани жуда муҳимдир. Мамлакатлар билан ҳамкорликда Осиё давлатлари мутахассисларини жалб қилдик. Биз Ўзбекистондаги ижобий амалиётларни ўрганишга ҳам тайёرمىз.

Мазкур анжуманга нима учун айнан юртингиз меҳмонлик қилаётганининг сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, сўнгги йиллар мобайнида Ўзбекистон муҳим ислохотларни амалга оширмоқда. Республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқди. Уларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ.



қат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тараққиёти учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораёلمиз. Уларнинг натижалари сезиларли ўзгаришларни бермоқда.

Биз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтларининг салоҳиятини янада юксалтириш, шунингдек, уларнинг минтақавий ваколатини мустаҳкамлаш устида ишлашни давом эттираемиз.

Конституция — бахтимиз қомуси



Депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, партия фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган миллий қонунчилигимиз таҳлилий умуминсоний ҳамда халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келаётган тарихий, миллий, ҳуқуқий ва маънавий қадриятларининг уйғун ҳамда ҳамоҳанглиги асосида яратилгани алоҳида эътироф этилди.

Бинобарин, ўтган йилларда шу

Конституция давлатнинг Асосий Қонуни саналади. Айни чоғда давлат тузилиши, унинг бошқарув шакли, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатлари, шахсининг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларини белгилаб беради. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ўтказилган тадбир "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзусига бағишланди.

асосда Оила, Ғуқаролик, Уй-жой қодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, унинг ҳуқуқий пойдевори яратилди, шунингдек, мамлакатимизда оилага жамиятнинг муҳим бўғини, айнақс-а, ёш авлод қамолотига бевосита дахлдор ижтимоий институт сифатида юксак эътибор қаратилаётгани бунинг ёрқин далолатлари.

Конституцияда халқимизни, айнақс-а, ёшларни миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни бой маданий ва

маънавий меросимизни асраб-авайлашга ўргатиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ҳамда маданий меросини асраб-авайлашга мажбурлиги тўғрисидаги меъёр шу юрт ғуқароларининг асосий бурчларидан бири сифатида белгиланган.

Кайд этилганидек, айни пайтда фракция Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган қоида ва принциплар асосида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида миллий хусусиятлар ҳамда қадриятларнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса қонунларнинг миллий ўзига хослик руҳи ва манфаатларимиз асосида ишлаб чиқилишда муҳим ўрин тутайди.

Тадбирда жойларда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган анжуманларда фаол иштирок этиш ҳамда аҳоли, аввало, ёшлар билан бўлаётган учрашувларда Асосий Қонунимиздаги нормаларни кенг тушунтиришга келишиб олинди.

3. ИСМОИЛОВА.

Нархларнинг ошиши асослими?



Молия вазирлиги АГТКС томонидан нархларнинг 17 фоиз ошириб юборилишини ноўрин ва асоссиз, деб ҳисоблайди. Агар нархлар 15 ноябргача бўлган ҳолатга қайтмаса, тегишли санкцияларни қўришга, хусусан, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмоли учун солиқ ставкасини кўпайтириш орқали ноқонуний йўл билан олинаётган даромадларни олиб қўйиш тақлифи билан чиқишга ёки бошқа фискал чораларни қўришга мажбур бўлади.

Айни пайтда Давлат рақобат қўмитаси, "Ўздавнефтегазинспекция" ҳамда Давлат солиқ қўмитаси органлари АГТКСдаги нархлар бўйича носоғлом рақобат фактларини аниқлаш ва шу бўйича қонунчиликда белгиланган чоралар қўриш мақсадида қатъий мониторинг ўрнатишга доир тегишли топшириқлар берилган.

С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА ҚУРМОҚЧИМИСИЗ?



Унда янги тартиб ва имтиёзлардан фойдаланинг.

Аҳоли сони тобора ўсиб бориши озиқ-овқатга бўлган талабни ҳам ошираверади. Бу табиий ҳол, албатта. Таҳлилларга қўра, бугунги кунда дунёда 14,3 фоиз аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаяпти, 12 фоизи сунрақли равишда очликдан азият чекади ва бунинг 827 миллиони ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат тақчиллиги ҳозирча ҳавф тугдирмаяпти. Лекин аҳоли сони йилгига ариим миллиондан кўпайиб бораётган экан, бу масала мамлакатимиз учун ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Чунки нуфус ортса, экин майдонлари ҳам кенгаяди, дегани эмас.

Бундай вазиятда нима қилиш керак? Қандай чораларни қўриш лозим? Ягона йўл озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг юқори самарали усулларидан фойдаланишдир. Бунга амалда қишлоқ ҳўжалигини диверсификациялаш ҳамда модернизациялаш ҳисобига эришилади.

Тўғри, бу борада юртимизда кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалиётга жорий қилинмоқда. Бироқ соҳани тубдан ислох этиш катта миқдордаги маблағни талаб қилади. Табиийки, ушбу жараёнда хорижий ташкилотлар, жамғармалар ва молия институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида "Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларга жиддий туртки беради. Яъни қамрови ва ҳажми жиҳатидан ўта йирик ҳисобланган муҳим лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 84,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, маҳаллий бюджет, кредит линиялари ва грант маблағлари ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. 2018 — 2023 йилларда рўёбга чиқариладиган ушбу лойиҳа Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида йўлга қўйилади.

— Мазкур йўналишда шу пайтга қадар катта миқдорда маблағ ажратилмаган эди, — дейди Ўзбекистон

Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Раҳматуллаев. — Қолаверса, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари бежиз танланмади. Чунки водийликлар азал-азалдан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш бўйича катта тажрибага эга. Бугун лойиҳа ушбу ҳудудларда синов тариқасида старт олаётган бўлса, келажакда унинг самарасига қараб бошқа вилоятларда ҳам таътиб этилади.

Лойиҳа доирасида биргина иссиқхоналарни ташкил этишга салкам 15,5 миллион АҚШ долларини миқдориди маблағ йўналтирилади. Бу мўлжалдаги ишлар учун ажратилаётган пулунининг энг катта қисмини ташкил қилади. Боиси иссиқхоналар республикамиз ва хориж давлатлари бозорлари расталарини қишин-ёзин сархил мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туришининг энг мақбул усулидир.

Аммо замонавий иссиқхоналарни яратишнинг ўзига хос мурраккабликлари ҳам бор. Шундан бўлса керак, соҳада ҳамон ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Масалан, иссиқхоналар учун мўлжалланган ускуналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, улар ҳамон хориждан олиб келинади. Шу каби қатор муаммолар иссиқхона ҳўжалигини юратиш ва унинг салоҳиятидан тўлақиямча фойдаланиш имконини бўғибётган эди. Энди эса вазият тубдан ўзгаради.

Айнан шу йўналишнинг ривожига шароит яратиб бериш мақсадида Президентимиз "Иссиқхона комплекс-

ларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини имзолади. Ҳўжжат билан иссиқхоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Давлат-хусусий шериклигида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бутун занжирини ўз ичига олувчи кластер шаклини жорий қилиш, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш каби вазифалар шулар жумласидандир.



Эндиликда ёқилғи ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар рўйхати тузиб чиқилади ҳамда уларга туташ ҳудудларда замонавий иссиқхона комплекслари жойлаштирилади. Аниқланган ер участкалари эса электрон савдоларга қўйиб борилади ва унда тадбиркорнинг замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича мажбуриятлари қўрсатилади.

2019 йилда мазкур йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, бошқа халқаро молиявий институтлар ва хорижий молиявий ташкилотларнинг 200 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳажмдаги маблағлари жалб қилинган. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун преференциялар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳам белгиланган.

— Тегисли ҳамкор ташкилотлар би-

лан биргаликда 105 та замонавий иссиқхона комплексини ташкил этишга оид истикболли лойиҳа шакллантирилди, — дейди Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Санжар Отажонов. — Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўлиқ назоратга олиниб, бу борада тадбиркорларга зарур ёрдамлар қўрсатилади.

Яна бир янгилки: эндиликда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғини етиштириш бўйича уруғчилик кластерлари ҳам ташкил этилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар юқори сифатли бўлиши учун 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг сифати назорат қилиш лабораторияси негизида қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларининг нав, генетика ва экиш сифат қўрсаткичларини баҳолаш бўйича лаборатория фаолияти йўлга қўйилади. Бу соҳани ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Қарор билан жорий этиладиган янгилликлар бисёр. Илмий лойиҳаларнинг республика грант танловларини ўтказиш, Самарқанд вилоятида қишлоқ ҳўжалиги ахборот-маслаҳат марказини ишга тушириш ва у ерда илмий ишланмаларнинг маълумотлар базасини яратиш, Ўсимликлар миллий генофондини иссиқхона маҳмудлари учун яратилган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг истикболли навлари билан бойитиш каби тармоқ тараққиётига дахлдор бўлган тадбирлардан яна қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Қисқаси, юқорида қайд этилган тарихий ҳўжатларда белгиланган вазифалар ижроси жаҳон бозорини рақобатдош олий сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, экспорт ҳажмининг кескин ошириш имконини беради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

КЛАСТЕР —

рақобатда ютиб чиқишнинг энг оқилона йўли



Уларнинг энг машҳури сизу бизга таниш бўлган "Силикон водийси"дир. 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар фаолият юритадиган мазкур инновацион кластер инфраузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатиб келади. Ҳўш, нима учун жаҳоннинг энг илгор иқтисодиётлари айнан кластерлаштириш йўлидан бормоқда?

Германиялик мутахассислар фикрича, айнан кластер келажакдаги кучли, мурас-сиз рақобат муҳитида ютиб

чиқишнинг энг оқилона йўлидир. Зеро, бундай механизм ҳар қандай шароитга мослаша олади, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни изчиллик билан самарали ечиб беради, нафақат муайян ҳудуд, балки давлатнинг халқаро майдондаги рақобатдошлигини мустаҳкамлайди, нуфузини оширади. Қолаверса, инновацион иқтисодиётга ўтишининг муҳим босқичи ҳисобланган ушбу тизим илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жаддал жорий этишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам мамлакат ва жамиятнинг му-

каммал инновацион қиёфасини яратишда кластер усулидан фойдаланишга катта эътибор қаратилаяпти. Бунга аграр соҳадаги сайёҳаракатлар яққол мисол бўла олади. Айни пайтда пахта-тўқимачилик кластерлари сони кўпайиб бораётгани, келгусида пахта етиштирувчи 133 тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтиши, янги тузилаётган кластерлар томонидан 41 корхона ташкил этилиб, 25 мингга яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилганлиги диққатга сазовор. Биз бу йўналишдаги ислохотларнинг аҳамияти ҳақида мутахассислар фикри билан

Мутахассислар фикри

Муртазо РАХМАТОВ,
«BCT Cluster» хорижий корхонаси
раҳбари (Россия):



— Ўзбекистон шароитида агро-кластерларни ривожлантириш энг тўғри йўлдир. Чунки қишлоқ ҳўжалиги учун ноқулай келган йилларда ҳам кластернинг бошқа ташкилотлари

хисобидан умумий иш ўрни ва иш ҳақи сақлаб қолинади. Яъни табиат инжиқлигининг бизнесга, ишловчилар даромадига таъсири қамаяди. Алмашлаб экиш имконияти пайдо бўлади ва тупроқ умумдорлиги қайта тикланади.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 майдаги Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида тузилган "BCT Cluster" хорижий корхонамиз ҳам шундай мезонлар бўйича фаолият юритиб келмоқда. Мазкур кластер тизимида жами саккизта компания фаолияти йўлга қўйилади.

Айни пайтда тегишли олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, илмий-амалий изланишлар олиб бориш бўйича ҳамкорликни ҳам йўлга қўйганмиз.



Пан ГАН,
тадбиркор
(Хитой):

— Ўзбекистонда ҳаётга таътиб этилаётган ташаббуслар биз каби хорижлик инвесторларга ҳам қўшимча рағбат берапти. Юртингизда ўн йил илдинги ҳолат билан бугунги кундаги имкониятларни таққослаш қийин. Кўп нарсалар ўзгармоқда. Бундан рухланиб, Андижон вилоятида қорамолчилик фермасини ташкил этдик. Бунинг учун 1 000 гектар ер олдик, Германиядан 2 000 бош зотдор қорамол келтирдик.

Вилоят ҳўкимлиги ҳаракатларимизни ўз вақтида қўллаб турибди. Келгусида биз ҳам кластер усулига тўлиқ ўтмоқчимиз.

Хелена ФРЕЙЗЕР,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ва БМТ Тараққиёт дастурининг
Ўзбекистондаги доимий вакили:



— Аҳоли учун инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият фақат яхши томонга ўзгараётганини ҳис қилиш жуда муҳимдир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон бу борада катта муваффақиятларга эришди. Бунга биргина бола ҳуқуқлари бўйича амалга оширилган ишларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Юртингизда болалар меҳнатидан мунтазам фойдаланишни бартараф этишга эришилганини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тасдиқлайди. Бу эътирофга лойиқдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ташаббусларининг навбатдаги ютуғидир. Анжуманда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим масалалар муҳокама қилиниб, яқунда Самарқанд декларацияси қабул қилиниши белгиланган. Бу инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб қолади.

«Халқ сўзи» мухбири
Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

«Халқ сўзи» мухбири

Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.



Ҳам музей, ҳам «шоу-рум»

Ўзбек ипакчилиги узоқ йиллик тарихга, юксак салоҳиятга эга. Бироқ мавжуд имкониятдан оқилона фойдаланилмаётгани оқибатида мазкур тармоқ таназзул ёқасига келиб қолган эди.

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташкил этилган, нафақат унутилиб бораётган анъаналар қайта тикланди, балки соҳа ривожига инновацион босқичга қадам қўйилди. Жорий йилда пиллачилигимиз тарихида илк бор бир мавсумда уч марта ипак курти парваришляниб, 18 минг тонна «кумуш тола» етиштирилгани бунга ёрқин мисолдир.

Тақдимот

Уюшма қошида ташкил этилган Ипак маҳсулотлари музейи ҳамда ипак либослари намойиш этиладиган «шоу-рум»нинг тантанали очилиш маросимида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б. Шарипов таъкидлаганидек, тармоқда кластер усули татбиқ қилинаётгани ипакчилигимиз довуруғини қайта тиклаш, саноатнинг янги йўналишларини ўзлаштириш имконини бермоқда. Илгари фақат хом ипак ишлаб чиқариш билан чекланиб қолган тизим корхоналарида эндиликда тут баргидан шифобахш чой, ун ва совун, ипак курти гўмбатидан эса парфюмерия ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани қувонарлиқдир.

Жаҳон ипакчилиги соҳасининг етакчи компаниялари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий дав-

латларнинг мамлакатимиздаги элчилари, шунингдек, соҳа мутахассислари иштирок этган анжуманда шу каби инновацион маҳсулотлар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, ҳозир юртимизда 45 минг гектар тут плантацияси мавжуд бўлса, яқин йилларда уларнинг умумий майдонини 75 минг гектарга етказиш кўзда тутилган. Тут барглари ипак курти боқиш мавсумидан ташқари, чой ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Чунки айни пайтда битта шундай пилот лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинган бўлса, келгусида яна ўн битта чой корхонаси ташкил этилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам каби давлатлар инвесторлари иштирокида бунёд этилган 50 га яқин ипакчилик корхоналари қошида 50 та ипак матоси ишлаб чиқариладиган, яна шунча тикувчилик фабрикасини барпо этиш, Туркия ва Эрон инвестициялари жалб этилган ҳолда,



гилам тўқишни йўлга қўйиш сингари жами 182 та лойиҳа устида иш олиб борилаётир.

Тадбирда «Bukhara Brilliant Silk» масъулияти чекланган жамияти дизайнерлари томонидан ипак матоларидан яратилган либослар намойиши, айниқса, йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Негаки, барча мавсум учун мўлжалланган етти та коллекция Ўзбек ипак матоларининг асл жозибасини ўзида тўла намоян эга олган.

Санид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

«Азия трансгаз» қўшма корхонаси мутахассиси, хитойлик У Суйцян Бухоро шаҳрида куни кеча фойдаланишга топширилган Давлат хизматлари маркази орқали вақтинчалик рўйхатдан ўтди.

Хизмат

— Бунинг учун атиги беш дақиқа кифоя қилди, — дейди у. — Ваҳолонки, илгари бир-икки кун вақтимиз сарф

«Рўйхатдан ўтишим учун беш дақиқа кифоя қилди»

бўларди. Шундай қулайлик яратилганидан жуда миннатдоримиз.

Реконструкция қилиниб, уч ой ичида фойдаланишга топширилган қўшқаватли замонавий бинода, чиндан ҳам, ҳавас қилса арзигулик қулайликлар яратилган. Хизматларни онлайн тарзда олиш имконини берадиган инфокиосклар, электрон кутубхона, Wi-Fi орқали ин-

тернетга бепул улаиш, мониторинг, банкмат, хизматлар олиш жараёни ҳақида сўзлаб берувчи робот, ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шарт-шароитлар — буларнинг барчаси фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифати юқори даражага кўтарилганидан далолатдир.

Таъкидлаганидек, эндиликда бу ерда фуқаролар-

га юздан зиёд турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Марказнинг очилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. Давлетов, вилоят ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

POS-системы / торговое оборудование

POS-СИСТЕМЫ И АВТОМАТИЗАЦИЯ

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинги и т. д.

ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

ATO Microinvest аўтоматизация

✓ СВОЕВРЕМЕННОЕ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ

71-200-34-34 (доп. 18) | www.micros.uz | scales@micros.uz | info@micros.uz

Товар сертифицирован | Услуги лицензированы

ДИСПЛЕИ ПОКУПАТЕЛЯ

POS-ТЕРМИНАЛЫ И МОНОБЛОКИ

ВЕСЫ С ЧЕКОПЕЧАТЬЮ

ЧЕКОВЫЕ ПРИНТЕРЫ

СКАНЕРЫ ШТРИХ-КОДОВ

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққати!

Бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси

куйидаги объект курилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очик харидлар ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарориди белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Сирдарё вилояти, Сайхунбод туманидаги «Сайхунбод деҳқон бозори» МЧЖни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли минимаркет, ёрдамчи иншооти билан 50 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланадиган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган IV типли замонавий савдо мажмуасини куриш.

Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда 3 282 413 241 сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаганда 2 735 344 368 сўмни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.

Курилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб — 180 кун.

Буюртмачи: бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси.

Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кў., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.

Савдоларда қатнашувчилар учун куйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид бўйи қийматининг 20 фоиз ҳажми (656 482 648 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-хукукий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид ҳужжатлари exarid.uzex.uz сайтига жойлаштирилади.

Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг куйидаги манзилига мурожаат қилиш лозим:

Тошкент ш., Я. Ғуломов кў., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27, электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru.

Харид ташкилотчисига таклиф юборилиши охириги муддати — 2018 йил 24 ноябрь.

Таклифларни очиш 2018 йил 26 ноябрь кунини соат 11.00 да куйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Германия иқтисодиётининг Шарқий кўмитаси билан ҳамкорликда танлов эълон қилади.

Магистратура талабалари учун стажировка дастури — 2019!

Танлов ташкилотчиси: Германия иқтисодиётининг Шарқий кўмитаси (ГФР).

Миллий ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси.

Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот: «Эл-юрт умиди» жамғармаси Германия иқтисодиётининг Шарқий кўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг Германиядаги етакчи компанияларда стажировка дастурини амалга оширади. Дастурга мувофиқ, амалиёт Германия ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ҳамкорлиқни такомиллаштириш, шунингдек, магистратура талабаларининг малакасини ошириш орқали Ўзбек — герман бизнес алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг назарий билимларини Германия етакчи компанияларида амалиётга татбиқ этишга қаратилган. Номзодлар танлов асосида сараланади. Танлов натижаларига кўра, муваффақиятга эришган номзодлар немис компанияларидан бирида амалиёт ўташга таклиф қилинади.

Стажировка дастури учун ўрин: 30 тағача.

Молиялаштириш: «Эл-юрт умиди» жамғармаси Ўзбекистондан Германияга бориб-келиш, шунингдек, аэропортдан стажировка жойигача бўлган транспорт харажатларини қоплайди. Виза кўмаги эса Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси томонидан амалга оширилади.

Амалиёт даврида яшаш билан боғлиқ харажатлар (тураржой, суғурта, ойлик иш ҳақи, бонуслар) немис компаниялари зиммасида бўлади.

Танлов тартиби: танлов уч босқичда — ариза бериш, Тошкентда суҳбат ва компания вакиллари билан суҳбат тарзида ўтказилади.

Биринчи босқичда номзод томонидан ариза берилади, сўровнома тўлдирилади ва керакли ҳужжатлар топширилади.

Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар кейинги босқичда, яъни суҳбат жараёнида иштирок этишади.

Охириги босқичда суҳбатдан ўтган номзодлар Германия компанияларига стажировкага жойлаштирилади.

Номзодларга қўйилган талаблар:

- Дастур фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун мўлжалланган.
- Инглиз ёки немис тилларида раво сўзлаша олиши керак.
- Номзоднинг ёши 22 ёшдан кам бўлмаслиги лозим.
- ANABIN тизимида аккредитациядан ўтиб Н+ мақомига эга бўлган, (https://anabin.kmk.org/anabin.html) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратура талабалари куйидаги йўналишлар бўйича амалиёт дастурларида иштирок этиши мумкин:
 - иқтисодиёт;
 - бизнес-бошқарув;
 - муҳандислик (саноат, фуқаролик, технология, электротехника, механика, энергетика, кончилик, аэрокосмик тармоқларда);
 - хукук;
 - ахборот технологиялари;
 - бухгалтерия;
 - архитектура;
 - иқтисодий журналистика.

Аризалар 2018 йил 26 ноябрдан 17 декабргача қабул қилинади.

Стажировка бошланиши: 2019 йил апрель ойининг охири, май ойининг бошларида.

26 ноябрдан бошлаб «Эл-юрт умиди» жамғармасининг www.euyf.uz ва Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитасининг www.oaev.de веб-сайтларида онлайн ариза тўлдириш учун ҳаволалар жойлаштирилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 13. Маълумот учун телефон: 71-203-00-47.

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ КУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР

0,40 x 1250 — 10 630 000 сўм/тонна
0,45 x 1250 — 10 205 000 сўм/тонна
0,70 x 1250 — 10 040 000 сўм/тонна

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ

RAL 3003, 3005, 3009, 6005, 8017
0,45 x 1250 — 12 690 000 сўм/тонна
RAL 3005, 6005, 8017
0,50 x 1250 — 12 535 000 сўм/тонна

ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР

1,8 x 1000 x 2000 — 8 650 000 сўм/тонна
1,8 x 1250 x 2500 — 8 630 000 сўм/тонна
2,8 x 1250 x 2500 — 8 135 000 сўм/тонна

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз. Кенг ассортиментда металл прокат. Тўлов шакли — нақд пулсиз.

E-mail: stal-invest@inbox.uz
Тел. 95-475-00-65

Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъл ходим Нодирбек Бахтиёрович Сайфуллаевга онаси Адиба Мансуровна НОСИРОВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.15 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6